

24 март 2019 й.г. № 243


Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига
ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Табий газ учун ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини янада такомиллаштириш
ва тарифларнинг кескин оширилишига йўл қўймаслик мақсадида
Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири А.С. Султанов ва "Ўзбекнефтегаз" АЖ бошқаруви раиси Б.Б.Сидиков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. Арипов



Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим
қарорларига киритилаётган ўзгариш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сон қаро
(Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й. 1-сон, 10-модда) билан тасдиқланг
Табиий газдан фойдаланиш қоидаларида:

а) 10-бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қўшилсин:

“Идоравий ва муниципал уй-жой фондига, юридик шахслар ётоқхоналари
ва хусусий уй-жой мулкдорлари шirkатларига – аҳолини газ билан таъминла
ш учун ҳамда локал қозонхоналарга - аҳоли эҳтиёжлари учун”,

учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 103-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

“Табиий газдан аҳолини газ билан таъминлаш учун фойдаланадиг
идоравий ва муниципал уй-жой фондига, юридик шахслар ётоқхоналарига
хусусий уй-жой мулкдорлари шirkатларига ҳамда аҳоли эҳтиёжи учун лока
қозонхоналарга табиий газга маиший истеъмолчилар учун белгиланган тари
қўлланилади”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ёқилги-энергетика ресурсларининг нарх
тарифларини босқичма-босқич ўзгартириш тўғрисида” 2018 йил 1 ноябрдаги 85
сон қарорига ўзгартиришлар рус тилидаги матнда берилган.